

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ТОЖИБОЕВ МУЗАФФАР ТУРДИБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР:
ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ (1991–2017 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук

Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Тожибоев Музаффар Турдибоевич

Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий қадриятлар: тарихий таҳлил (1991-2017 йй).....5

Тожибоев Музаффар Турдибоевич

Национальные и общечеловеческие ценности в Узбекистане: исторический анализ (1991-2017 гг.).....32

Tojiboyev Muzaffar Turdiboyevich

National and universal values in Uzbekistan: historical analysis (1991-2017 years)62

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works66

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.TAR.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ТОЖИБОЕВ МУЗАФФАР ТУРДИБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР:
ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ (1991–2017 йй.)
(1991–2017 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.DSc/Tar26 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Норматов Карим Норматович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Кирғизбоев Абдуғаффар Каримжонович
тарих фанлари доктори профессор

Нуриддинов Эркин Зухриддинович
тарих фанлари доктори профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат Шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.2019.Tar.01.04 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳари, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24, e-mail: pauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ___ -рақами билан реестр баённомаси).

Х.Э.Юнусова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.Б.Хайназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Н.У.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида глобаллашув даврида рўй бераётган ўзгаришлар миллий ва умумбашарий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш дунё ҳамжамияти олдида турган жиддий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, дунёнинг айрим минтақаларида сиёсий беқарорлик, халқлар ва миллатлар маданиятига глобаллашув ва «оммавий маданият»нинг таъсири билан боғлиқ жараёнлар дунё ҳамжамиятининг диққат эътиборидадир. Хусусан, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятида ҳам инсониятнинг маданий рангбарангликни сақлаб қолиш етакчи ўрин тутмоқда. Бу муаммолар барча тараққийпарвар кучларни бирлашишга, ўз куч ва имкониятларини сафарбар этишга ундамоқда. Бунда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлигини таъминлаш, дунё халқлари миллий маданиятлари ўзаро мулоқотини янги асосларда ривожлантириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда асрий қадриятларнинг топталиши, миллий-маданий қиёфасини, тилини, урф-одатларини йўқотиб бораётган миллатлар сафининг ортиб бориши, инновацион ёндашиш асосида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ривожланиш тарихини ўрганишга қаратилган устувор изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, миллий ва умумбашарий қадриятларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини яратиш, глобал ахборот асрида улар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган махсус йўл хариталарини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фан-техника ва илғор инновацион технологияларнинг тарихий имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмини яратишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Кўпмиллатли, демократик ҳуқуқий давлат ва очик жамият қуриш йўлидан бораётган янгиланаётган Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш ҳамда уларни келажак авлодларга етказишга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада «Биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур»¹. Бу даъват аждодлар яратган улкан бебаҳо маданий мерос, миллий ва умумбашарий қадриятларни қайта тиклаш ва юксалтириш ҳамда илмий асосланган тарихий контекстда тадқиқ этишни долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 19 май ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 16 апрель ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 30 июнь ПҚ-3105-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 349-350.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ва 2017 йил 28 июль ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа тарихий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Миллий ва умумбашарий кадриятларнинг айрим жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида, жумладан University of London, University College London (Буюк Британия), Anglia Ruskin University (Буюк Британия), The Pennsylvania State University (АҚШ), Temple University (АҚШ), Huazhong Normal University (Хитой), Beijing Normal University (Хитой), Москва, Санкт-Петербург университетлари (Россия) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида олиб борилмоқда.

Дунё тадқиқотларида тарихий кадриятлар ҳақида қуйидаги натижаларга эришилган: агар давлат кадриятлар асосида тузилган бўлса, у давлат қонунийдир, деб асосланган (University of London, University College London, Буюк Британия); кадрият «тажрибадаги кадрият» тушунчасидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган (Anglia Ruskin University, Буюк Британия); танлашнинг турли хил вазиятларида фаоллаштирилган кадрият тизимлари ва ўзини ўзи бошқаришдаги ҳулқ-атвор изчиллиги илмий жиҳатдан асосланган (The Pennsylvania State University, АҚШ); шахсий кадриятлар, оилавий кадриятлар ва умумбашарий кадриятлар, ушбу кадриятларни шахслараро англаш ва оилага мослаштириш илмий асослантирилган (Temple University, АҚШ); субъект нуқтаи назаридан инсоннинг ўзини ўзи кадрлаш тушунчаси ифода этилган (Huazhong Normal University, Хитой); қиймат фалсафаси талқинида истак ва кадрият илмий далилланган (Beijing Normal University, Хитой); инсон қадр ва ҳаётини баҳоси ҳамда педагогик таълимда кадриятлар тараққиётининг тарихий назарий жиҳатлари таҳлил қилинган (Москва, Санкт-Петербург университетлари, Россия); ўзбек миллий менталитети ва халқнинг келиб чиқишига доир илмий-методологик ёндашувлар асосланган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти); миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги ва

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.theiacp.org, www.learnpipe.com, www.osce.org, www.mepa.net, www.cepol.europa.eu, www.hup.harvard.edu, www.dhpol.de, www.ensop.fr, www.npa.go.jp, www.abebbooks.co.uk, www.booktopia.com.au, www.univermvd.ru, www.akadmvd.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

бола тарбиясида оила қадрияти ўрни катта эканлиги асосланган (Ўзбекистон Миллий университети).

Дунёда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ривожланиш тарихи, яъни унинг ҳуқуқий-сиёсий ҳамда моддий-маданий ўзгаришларга доир воқеа-ҳодисалар бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: давлат бошқарувини тарихий қадриятларга асосланган ҳолда тузиш ҳамда ёшларнинг қадриятлар асосида яшашини таъминлаш, қадриятлар трансформацияси ва турли хил тарихий вазиятларда қадриятлар тизимлари ҳамда ўзини ўзи бошқаришдаги хулқ-атвор изчиллигининг аҳамияти, миллий қадриятлар ва анъаналарнинг қайта тикланиши ва ривожланиши, шахс ахлоқий фазилатлари такомилда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш ва англаш назарда тутилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг ўрганилганлик даражасини тарихийлик нуқтаи назаридан танқидий ва тарихий таҳлил этиш учун диссертацияда тадқиқот даврига оид адабиётларни қуйидаги гуруҳларга бўлган ҳолда талқин этилди:

1. Миллий ва умумбашарий қадриятлар акс этган тарихий манбалар таҳлили;
2. Мустақиллик йилларида қадриятлар тарихи йўналишида яратилган адабиётлар таҳлили;
3. Хорижий муаллифларнинг илмий изланишлари таҳлили эътиборга олинган.

Диссертацияда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг тарихи, моҳияти ва эволюциясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, умумқадриятлар билан боғлиқ миллий ва умумбашарий мезонлар ҳамда тамойиллар, авваламбор, Шарқ халқлари тарихи ҳамда маданиятининг ноёб дурдонаси «Авесто» ва унга оид адабиётларда³, ўрта аср ислом даври манбаларида алоҳида қайд этилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Ислом динининг муқаддас ва бебаҳо китоби Қуръони Карим⁴ ва Ҳадисларда⁵ келтирилган диний-ахлоқий амаллар асосида яшаш, меҳроқибат, сахийлик, инсонийлақ, байналмилаллик каби масалалар ўзбек халқининг ўлмас қадриятларига айланди. Замонлар синовига бардош берган бу умумқадриятлар, маънавий-ахлоқий қарашлар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Миллий ва умумбашарий қадриятлар негизида яшаш барча даврларда Шарқ мутафаккирлар ижодининг диққат марказида бўлиб келган⁶.

³ Авесто. Тарихий-бадиий ёдгорлик / Аскар Махкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 383 б.; Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1960. – С. 89-92; Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. - М.: Наука, 1982. – С. 84-99; Маҳмудов Т. Авесто ҳақида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 13; Тохир Карим. Муқаддас Авесто изидан. – Тошкент, 2000; Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. – Тошкент, 2001. – Б. 57-61; Авесто. Яшт китоби / Исақов М. таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001; Аширов А. «Авесто» дан мерос маросимлар. Тошкент: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001.

⁴ Қуръони Карим / Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 544 б.

⁵ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жомий ас-Саҳиҳ (Ишонарли тўплам) / Арабчадан Хожа Музаффар Набихон ўғли ва Хожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. Т. 2. – 624 б.; Термизий, Абу Исо Муҳаммад. Сунани Термизий / М. Кенжабек таржимаси. – Тошкент: Адолат, 1999. 1-жилд. – 688 б.

⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим) / Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф, нашрга тайёрловчи Н. Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент, 1992; Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. – Тошкент, 1965. Т. II. – Б. 409-410; Ўша муаллиф. Қадимги халқлардан

Диссертацияга тарихшуносликда танланган мавзу доирасида ёзилган илмий асарлар ва адабиётлар киритилди ҳамда таҳлил қилинди. Жумладан, амалга оширилган ишлар жумласига А.Аширов, Р.Муртазаева, К.Норматов, А.Қирғизбоев ва бошқа олим ҳамда тадқиқотчиларнинг ишлари⁷ киради. Ушбу тадқиқотларда диссертация мавзусига тегишли муаммо тўлиқ ўз ифодасини топмаган бўлса-да, у ёки бу жиҳатларига эътибор берилган. Шунингдек, мавзунинг ижтимоий-сиёсий, тарихий-маънавий, диний-ахлоқий жиҳатларини ўз мавзу ва йўналишлари доирасида ёритганлар тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб⁸,

қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов. Изоҳларни И. Абдуллаев ва А. Расулов тузган. – Тошкент: Фан, 1968. Т. I. – 486 б.; Махмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1960. Т. I. – 499 б. Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. – Тошкент, 1994; Низомилмулк. Сиёсатнома ёки сийр ул-Мулук / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлилар муаллифлари Ш. Воҳидов ва А. Эркинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 240 б.; Темур тузуқлари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – 343 б.; Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / Мукаммал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 1997. Т. 13. – Б. 284-285; Ўша муаллиф. Махбуб ул-қулуб / Мукаммал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 1998. Т. 14. – Б. 7-130; Ўша муаллиф. Муҳокамат ул-луғатайн / Мукаммал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 7-40; Кайковус. Қобуснома. – Тошкент, 1992; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.; Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-Мулук / Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи Ж. Эсонов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997. – 272 б.;

⁷ Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. – 680 б. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент, 1996; Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. – № 1 / Масъул муҳаррир Д. А. Алимова. – Тошкент, 1999; Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. – № 2. / Масъул муҳаррир Д. А. Алимова – Тошкент, 1999; Туркестан в начале XX века: истоки национальной независимости. – Ташкент, 2000; Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. Даврий тўплам. – № 3 / Масъул муҳаррир Д. А. Алимова. – Тошкент: Шарк, 2000; Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент, 2000; Рахматуллаев Ш. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асослари // Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Тошкент: Шарк, 2001. – Б. 192; Аширов А.А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарихи. – Тошкент, 2004. – 53-б; Murtazayva R.H. Oila – o'zbek xalqi mentalitetining oliy qadriyati. – Toshkent: «Turon-iqbol», 2018. – 80 b; XXI asr mahallasi: taraqqiyot va istiqbol / Mas'ul muharrir: R.Murtazayva – Toshkent: «Turon-iqbol», 2018. – 60 b; Shamsiyev O'. Sog'lom oilaviy muhit va oiladagi shaxslararo munosabat. – Toshkent: «Turon-iqbol», 2018. – 40 b; Норматов К., Қирғизбоев А. Тошкент – дўстлик шаҳри. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 2007; Бобоев Ҳ, Норматов К.Н. Миллий давлатчилик ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – 48 б.; Ишқуватов В.Т. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларини ривожланиш тарихи // – Тошкент, 2020; Ишқуватов В.Т., Толипов Ф. Маҳалла: ўтмишда ва бугун // – Тошкент, 2015; Мустақиллик йилларида ўзбекларнинг миллий ўзликни англаши ва менталитети / Масъул муҳаррир: А.А.Аширов. – Тошкент, 2015. – Б. 115; Маҳалла – фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви институтининг ноёб намунаси / Масъул муҳаррир: Р.Х.Муртазаева. – Тошкент: «MUMTOZ SO'Z», 2016. – 162 б; Ҳабибуллаева Д.А. Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий кадрятлар қайта тикланиши (1985 – 1994 йиллар) Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1995; Тожибоев М.Т. Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг миллий маънавий кадрятлари ва анъаналарининг қайта тикланиши ҳамда ривожланиши (1991-1997 йиллар) Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2001; Умарова Г. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. (1991-2001 й). Тарих фан номз. дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. –Б. 12; Юнусова Х. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80 годах XX века. Автореф. Дисс. ... док. ист. наук. – Тошкент, 2009; Қўнғиров И. Миллий ҳамда умуминсоний кадрятларга таяниш – Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарт. – Тошкент: ТМИ, 2009. – Б. 32. Убайдуллаева Б.М. Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновациялар (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари). Тар. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2018; Полвонов Н. Миллатлараро муносабатлар ривожиди миллий ва умуминсоний кадрятларнинг уйғунлигини ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда этномаданий ташкилотларнинг ўрни. Масъул муҳаррир: Б.Р.Каримов: – Тошкент: Турон иқбол, 2017. – 161-169 б; Ўзбекистон тарихи (1917-1991й.). Иккита китоб. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: «O'zbekiston», 2019. – 560 б; Мавлонов Ў., И. Абдувасидова. Тарихий-маданий мерос – миллий ғояни англаш омили. – Тошкент: Akademiya, 2014. – 176 б.

⁸ Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент, 1996; Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. – Тошкент, 1996; Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарк, 2005.; Жўраев Н., Файзуллаев., Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи., Миллий истиклол даври. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б. 226; Содиқова Ш. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий химоялашнинг социологик

уларда ҳам биз ёритаётган илмий муаммонинг айрим жиҳатларига муносабат билдирилган.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши ва тарихий-маънавий масалаларига муайян даражада эътибор қаратиш, фуқароларни миллий ва умумбашарий тарихий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Э.Юсупов, Ж.Туленов ва бошқалар асарларида⁹ батафсил ёритилган.

Мавзу тарихшунослигининг хорижий тадқиқотчилар, жумладан Россия Федерацияси¹⁰, Европа¹¹ ва хитойлик¹² тадқиқотчилар томонидан яратилган асарлар ва тадқиқотларда мавзуга тегишли масалаларнинг тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий хусусиятларига эътибор қаратилиб, муаммонинг у ёки бу қирралари қисман ёритилган.

Умуман, тадқиқот мавзуси бўйича мазкур материаллар ва илмий ишлар, манбалар ҳамда тарихий ҳужжатларда бироз ёритилган бўлса-да, алоҳида тарих фани диссертацияси тадқиқоти сифатида ўрганилмаган. Демак, миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихини тадқиқ этиш долзарб муаммодир. Шу боис,

таҳлили // Социология фанлари ном.илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореферати. – Тошкент, 2016.

⁹ Юсупов Э. Инсон камалининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998; Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни – Тошкент: Тошкент техника университети, 1995; Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. – Тошкент: Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси. 1993; Туленов Ж. Истиқлол ва тараққиёт мафқураси: мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. Тоҳиров О. Комиллик – етуклик тимсоли. // Мулоқот, 1999, 3-сон; Отамуродов С. Талаба-ёшларининг миллий ўзликини англаши. // Ижтимоий фикр. 2000, 1-2 сон.

¹⁰ Фролова И. Глобальные проблемы современности: Научный и социальный аспекты – Москва: Наука, 1981, – С. 201; Сидорова В.А. Историческая ценность документов по личному составу (архивоведческий аспект. На примере личных дел работников Наркомата просвещения РСФСР 1917-1927 гг.): диссертация ... кандидата исторических наук. – Москва, 1985; Фролова И. Глобальные проблемы цивилизации. – Москва: Полит, 1987. – С. 284.; // Вопросы философии. 1989, -№ I, – С. 29.; Облинский Е. Глобальные интересы и национальный эгоизм. – Москва: Межд. нард. отно, 1990. – С. 102; Сахаров Д. Мир после полвека // Советская культура. 1990 г, 6 января – С. 3; Журавская Е. Региональная интеграция в развивающемся мире. – Москва: Наука, 1990. – С, 54-65.; Новиков Ю. Природа и человек. – Москва: Наука, 1991. – С. 136-145; Моисеев И. Человек. Среда. Общество. – Москва: Наука, 1993. –С.123; Нескрябина О.Ф. Смысл и ценность человеческой индивидуальности: диссертация доктора философских наук. – Санкт-Петербург, 1996; Пермякова Т.В. Образование как ценность: диссертация ... кандидата социологических наук. – Екатеринбург, 1999; Прима Е.В. Жизненный потенциал человека как базовая ценность культуры: диссертация .. кандидата культурол. наук. – Нижний Новгород, 2000; Багаева А.В. Ценность человека и стоимость его жизни: Экономико-социологический аспект: диссертация ... кандидата социологических наук. – Санкт-Петербург, 2001; Капустина З.Я. Гражданственность как ценность российской культуры: диссертация ... доктора культурологии. – Москва, 2008; Вяткина Н.В. Социальный успех как ценность менеджеров среднего звена сферы услуг: диссертация ... кандидата социологических наук. – Пермь, 2018; Баркова Л.А. Феномен материнства как духовная ценность современного российского общества: Автореферат дис. ... кандидата философских наук. – Москва, 2018.

¹¹ Feltham Brian Matthew Value engaged–justificatory neutrality, reasonable consensus and the value of value-beliefs. Dissertation. – University of London, University College London (United Kingdom), Publishing, 2005; Lily Patel The level of jealousy individuals experience and express: Moderated by their own mate value, their partner's mate value, and their rival's mate value. – Northern Illinois University Publishing, 2010. Paul Michael. What do students value?: an investigation into students' value of their higher education experiences using the value-in-experience construct. – Anglia Ruskin University (United Kingdom), Publishing, 2018.

¹² Yan Miao The Cultural of Industrialization and the Recognition of the Value of Literature or Arts. – Hebei University (People's Republic of China), Publishing, 2006; Jia Jia Sun Comprehend self-value of human in the perspective of the subject. – Huazhong Normal University (People's Republic of China), Publishing, 2010; Fu Yan Lian Desire and value: on Dewey's philosophy of value. – Beijing Normal University (People's Republic of China) Publishing, 2011.

танланган муаммони алоҳида диссертация иши доирасида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари ҳамда ЖХБЛ-47-сонли «Маҳалла фуқаролар йиғинларида иш юритиш жараёнини амалга оширишда электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш технологиялари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида миллий ва умумбашарий кадриятларнинг ривожланиши билан боғлиқ жараёнларни тарихий таҳлил асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммонинг илмий-назарий ва концептуал методологик асосларини ёритиш;

миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихи тушунчаси ҳамда моҳиятини глобал ўзгаришлар ва кучайиб бораётган трансформациялашув даври нуқтаи назаридан асослаш;

миллий ва умумбашарий кадриятларда тарихийлик тамойилининг устуворлиги ҳамда диний бағрикенгликнинг миллий ва умумкадриятлардаги ўрнини ўрганиш ва баҳолаш;

таълим-тарбия тизимининг ривожланиш босқичларида миллий ва умумбашарий кадриятлар таъсирини тарихий таҳлил этиш;

миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихининг ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда тарғибот жараёнларини талқин қилиш;

янгиланаётган Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий кадриятларнинг юксалишининг тарихий аҳамиятини очиб бериш;

миллий-маданий марказларнинг тарихий ривожланишида умумкадриятларнинг ўрни ва ролини тадқиқ этиш;

Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатлар тизимида умумкадриятлар муштараклигини тарихий жараён сифатида тадқиқ этиш назарда тутилди.

Тадқиқот объектини миллий ва умумбашарий кадриятларнинг ривожланиши ва унинг Ўзбекистонда барқарор такомиллашиш жараёнида тутган ўрнини тарихий таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети миллий ва умумбашарий кадриятларнинг тарихий ривожланиш истиқболлари, трансформацияси, глобаллашув шароитида уларни сақлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимини тарихий аспектда таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий ва муаммовий-хронологик, объективлик, тизимли таҳлил, рационал танқидий, қиёсий, мантиқийлик, статистик ва эмприк таҳлил ҳамда фанлараро ёндашув каби усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳонда умумбашарий ва миллий кадриятлар ўртасида зиддиятлар мавжудлиги ҳамда ушбу зиддиятларни ҳал этишнинг ягона йўли

«канфронтация» эмас, аксинча «конценсус» эканлиги тарихий ва замонавий назариялар асосида исботланган;

Ўзбекистонда «конценсус» назариясини ривожлантиришда жамоавий ҳаёт тарзи, ўзбек халқига хос вазминлик, тенглик ва умумий манфаатлар бирлиги умумқадриятлар тизимидаги умумтуркий, исломий ва ўзбекона қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги ёш авлоднинг тафаккури ҳамда дунёқарашида мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда муҳим омил эканлиги асосланган;

ёшлар онгида устуворлик қилаётган альтуризм, нигилизм дунёқарашини ўзгартиришда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш асосида тарбиялаш бўйича миллий маҳдудлик, миссионерлик ва прозелетизм каби таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилиши далилланган;

тарихий хотира, ўз юрти тарихига ҳурмат, унинг равнақи учун маъсулиятни ҳис этиш, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик туйғуларини ривожлантириш орқали уларда Ватанга дахлдорлик туйғуси билан яшаш фазилатларини қарор топтириш борасидаги ишларни такомиллаштириш келажак авлод интеллектуал салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши очиб берилган;

мафкуралар хилма-хиллиги, ахборот уруши, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви шароитида дунёда тинчлик ва фаравонликни таъминлаш учун миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги концепсиясини ишлаб чиқиш зарурияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тарихан шаклланган ва замонавий жамият тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган миллий ва умумбашарий қадриятларни янада ривожлантиришга йўналтирилган амалий таклифлар берилган;

тарихий таҳлил ва тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган тавсиялар, хулосаларни амалга ошириш учун усул ҳамда услубларни кенг жорий этиш механизмлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзу бўйича ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, миллий ва умумбашарий қадриятлар фаолиятига оид илғор тамойиллар ва тарихий норматив ҳужжатлар, архив материаллари ҳамда манбаларга асосланган ҳолда концептуал жиҳатдан хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қиёсий-тарихий, холис, тизимли, танқидий, тарихий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда 1991-2017 йилларда Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихини объектив ҳар томонлама ёритиш, шунингдек, фанлараро боғлиқлик ҳамда уйғунликни таъминлаш билан боғлиқ қарашларни такомиллаштиришга хизмат қилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихи бўйича Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг талабалари, курсант-тингловчилари учун мамлакат тарихидан

(Ўзбекистоннинг энг янги тарихи) дарслик, ўқув қўлланма ҳамда рисоалар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1991-2017 йилларда миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихи фаолиятига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Ватан тарихида миллий ва умумбашарий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, ички ишлар органлари ходимларини ватанпарварлик, ҳалоллик ва умуминсоний кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда уни татбиқ этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг интизомий уставининг 1, 2, 3 ва 7-бобларини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 30 майдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 82-сон буйруғининг 1, 2, 4, 5, 8-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 16 ноябрдаги 38/-1759-сон маълумотномаси*). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ички ишлар органлари ходимларида миллий ва умумбашарий кадриятларни қарор топтириш ҳамда ривожлантириш орқали улар орасида қонунийлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Ёшларни миллий ва умумбашарий кадриятларга содиқ, ватанпарвар ва фидойи қилиб тарбиялаш, уларни Ватанга дахлдорлик туйғуси билан яшаш фазилатларини қарор топшириш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятида фойдаланилган (*Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 30 октябрдаги 04-13/4918-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши ёшларни миллий ва умумбашарий кадриятларга содиқ, ватанпарвар ва фидойи қилиб тарбиялаш борасидаги ишларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон халқларининг миллий ва умумбашарий кадриятлари тарихи Ватан тарихининг узвий ажралмас ва мантиқий маънавий-маърифий қисми эканлиги ҳамда «*ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ*» тамойили асосида халқимиз миллий ва умумбашарий кадриятлари тарихини холис ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бир ёқлама ёндашувларга, ноҳолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашиш борасидаги амалий таклифлардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолиятида фойдаланилди. (*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг 2019 йил 29 октябрдаги 01-669-сон маълумотномаси*). Мазкур таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси иш режасида фойдаланиши ҳамда амалиётга жорий этилиши фуқароларнинг миллий ва умумбашарий кадриятларини ривожлантириш, жамият барқарорлигини

таъминлашнинг мафкуравий омилларига партия эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилди;

Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихини ривожлантириш борасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга доир хулосалар, таклифлар ва мулоҳазалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланилган (*Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 8 ноябрдаги 02/09-1508-сон маълумотномаси*). Марказ диссертациянинг илмий натижаларидан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат» ҳамда «Миллий ғояни ривожлантириш» концепцияси тарғиботини амалга оширишда фойдаланишни кўзда тутди. Мазкур таклифларнинг жорий этилганлиги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш орқали мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда уларда миллий ва умумбашарий кадриятларни ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги конференцияда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 40 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган, шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола (улардан 14 таси республика, 3 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 223 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, ўрганилиш даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда жорий этилганлиги қайд этилган, нашр ишлари ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Миллий ва умумбашарий кадриятларнинг назарий-концептуал масалалари ва тарихий эволюцияси» деб номланган биринчи бобда миллий ва умумбашарий кадриятлар моҳияти ва мазмуни тушунчаси, миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихи ҳамда тарихий эволюцияси таҳлили масалалари ёритилган.

«Қадрият» сўзи, арабча, қадрият – қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги, маъносини англотиб – табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган ҳамда одамлар томонидан қадрланадиган, улар учун фойдали, аҳамиятли, моддий-иқтисодий, маданий-маънавий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, миллий, ижтимоий омиллар йиғиндисидир¹³. Миллий қадриятлар айрим халқ, миллат ва элатнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратган барча моддий ва маънавий бойликларининг йиғиндисидир. Умумбашарий қадриятлар эса барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатига мос келувчи моддий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, кадрли жиҳатларнинг устувор бўлишига таянган ғоялар асосида шаклланган фаолият мажмуидир¹⁴.

Қадрият тушунчасига С. Отамуротов *биринчидан*, бу жамиятда ҳукм сурувчи қонунлар бўлиб, улар зарурий аҳамиятли ҳақиқатлар ҳисобланади; *иккинчидан*, қадриятлар воқеликдаги фактлар, ҳодисалар ва образлар оламидир¹⁵, деб таърифлайди. Ҳар бир миллат ўз қадриятига эга. Ўзбек халқининг бошқа халқлардан алоҳида ажралиб турадиган миллий менталитетига хос хусусиятлари, интеллектуал мулки ҳам мавжудки, уларни миллий маънавий қадрият сифатида баҳолаш мумкин. Улар қуйидагилар: каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш; жамоавийлик ҳаёт тарзи; меҳрибонлик; бағрикенглик; болажонлик ва фарзандларга меҳр бериш; муомалада мулозаматлилик; ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат ва бошқалар. Н.Полвонов «қадриятларни маданият сингари моддий ва маънавий қадриятларга» ажратади¹⁶.

Қадриятлар масаласи барча маданий тараққиётга эришган мамлакатларда жиддий илмий муаммо сифатида ўрганилади. Хусусан, Г.Осипов муҳаррирлигида чоп этилган «Социологический энциклопедический словарь»да қадриятларни баҳолаш, қадриятлар тизими, ижтимоий қадриятлар, қадриятлар йўналиши ва умуман қадриятларга таърифлар берилган¹⁷. «Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси», деб таъриф берилган¹⁸.

¹³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 207.

¹⁴ Батафсил маълумотлар олиш учун қаранг: Дробницкий О. Г. Ценность // Философский энциклопедический словарь. – М., 1989; Кирьякова А. В. Теория ориентации личности в мире ценностей. Монография. – Оренбург, 1996; Малахов В. А. Культура и человеческая целостность. – Киев, 1994; Лапин Н. И. Ценности как компоненты социокультурной эволюции современного общества // Социологические исследования, 1994. №5. – С. 58; Докучаев И.И. Ценность и экзистенция. Основоположения исторической аксиологии культуры. – М: Наука, 2009; Бульнин А.М. Эволюция ценностей педагогического образования: историко-теоретический аспект: Автореф. дис. докт. пед. наук. – М., 1998.

¹⁵ Отамуратов С Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш (социал-фалсафий таҳлил) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўлланма сифатида тавсия этган. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б-35.

¹⁶ Полвонов Н.Т. Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги. Монография. Миллатлараро муносабатлар ривожига миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигини ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда этномаданий ташкилотларнинг ўрни. Масъул муҳаррир: Б.Р.Каримов. – Тошкент, 2017. – Б.163-164.

¹⁷ Осипов Г.В Социологический энциклопедический словарь, – Москва, 2000. – С. 402-403.

¹⁸ Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. – Тошкент: Шарқ, 1998. 279-бет.

Мустақиллик йилларида кўпмиллатли Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий кадриятларни илмий тадқиқ этиш борасида янги вазифалар кун тартибига кўйилди. 2001 йил «БМТ ҳомийлигида цивилизациялар ўртасида мулоқот йили» деб эълон қилинди, унда умумбашарий кадриятлар, айниқса бағрикенглик масаласига кенг ўрин берилди¹⁹. «Миллий кадриятлар замирида ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ва маданияти, анъана ва кадриятлари, эзгу орзу-интилиши ва манфаатлари мужассамдир»²⁰, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида миллий ва умумбашарий кадриятлар янада такомиллашди, жамият ҳамда халқнинг яқдил бўлиб, ҳеч қандай экстремистик қарашларга берилмасдан Ватан равнақи ҳамда истиқболи учун курашга чорлади.

Ўтган йилларда тарихни тиклаш ва келажак авлодларга етказиш масаласига эътибор қаратилди. Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллуднинг 1200 йиллиги, Абу Мансур ал-Мотрудийнинг 1130 йиллик таваллуди кенг нишонланиши ёшлар онгида маънавий масъулият ҳиссини шакллантиришга ҳисса бўлиб кўшилди²¹. Бу эса фуқаролар онгида «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» эзгу ғоясини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим омил бўлмоқда. Бунда тарихий-маданий кадриятларнинг қайта тикланиши ҳамда келажак авлодларга етказилиши янада аҳамиятлидир²². Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилиб, ушбу ташкилот барча динларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари борасида ўз фаолиятини олиб бормоқда²³. Қўмита бошчилигида диний байрамлар – Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити байрами умумбашарий кадриятлар сифатида нишонланиб келинмоқда²⁴.

Миллий кадриятлар тизимида менталитет²⁵ муҳим роль ўйнайди. Бу борада А.Аширов фикрича, ўзбек халқининг миллий менталитети шаклланишига таъсир этган тўртта диний-мафкуравий тараққиёт босқичи мавжуд. Олим Ғарб ва Шарқ дунёсини алоҳида ажратади ва уларни индивидуал ва жамоавий жамиятлар сифатида бир-бирига қарама-қарши қўяди²⁶. Академик А.Асқаровнинг таъкидлашича эса «миллат» ва «одамийлик» тушунчаси одоб-ахлоқ, қалби пок, диёнатли, тўғрисиўз, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар билан бирга, ватанпарварлик ва элсеварлик деган эзгу тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

¹⁹ Ўз МА. 125- фонд. I-рўйхат. 19- йиғма жилд. 157-варақ.

²⁰ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.383.

²¹ Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2011. – Б. 312-313.

²² Толипов Ф, Атамуратов М. Ўзбек оиласи: тарихи ва турмуш тарзи. – Тошкент, 2020. Б.192.

²³ ЎзМА Ф-152, рўйхат-I. йиғма жилд- 9, 5-265-варақлар.

²⁴ Ғаффорова М. Жамият ҳаётида хотин-қизларнинг социо-маданий кадриятлари ўзгаришлари // Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида раҳбар кадрлар олдида турган вазифалар: мавжуд ҳолат, муаммолар ва ечимлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 2019 йил 31 май. – Б. 112.

²⁵ Менталитет – лотинча «mens» – ақл, идрок, зехн, фаҳм-фаросатни англатади.

²⁶ Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарихи. – Тошкент, 2004. – Б.53.

Ўзбек халқида ана шундай ранг-баранг миллий менталитет ва ўзбекона тизим шаклланган²⁷.

Инсон энг олий қадрият сифатида илк ахлоқий тарбияни оила муҳитида олар экан, аввало, ота ва онанинг ўзи тарбияланган бўлмоғи зарур. «Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликка, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилиши, туғилиб ўсган юрти, қишлоғи, шаҳри, яхлит Ватанини севишни ўрганадилар»²⁸. Ўзбекистон халқининг миллий қадриятлари тарихи миллий маънавиятнинг тадрижий давоми бўлиб, улар миллий менталитетда ҳам акс этганлигини кўриш мумкин. Масалан, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, кўни-қўшничилик, бағрикенглик, камтаринлик, ибо-хаё, серфарзандлилик, одамгарчилик, инсонпарварлик, ота-она ва катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик ва бошқа миллий маънавий-ахлоқий фазилатларни киритиш мумкин²⁹.

Мустақиллик арафасида миллий қадрият даражасига кўтарилаётган муаммолардан бири ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш масаласи бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 19 май қарори билан «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси эълон қилинди. Бу масала махсус комиссия томонидан ўз вақтида ҳал қилиниб, «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги қонун 1989 йил 21 октябрда қабул қилинди³⁰. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон халқининг миллий ўз-ўзини англашни ўсиши ва миллий ва умумбашарий қадриятларини тикланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Илк мартаба хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий соҳада ўзаро ҳамкорлик битимлари имзоланиб, республика мазкур соҳада хорижга чиқиш имкониятига эга бўлди³¹.

Шу ўринда халқнинг азалий миллий қадрияти «Наврўз»нинг тикланиши Республика тарихида катта воқеа бўлганлигини қайд этиш зарур. Хусусан, истиқлолга қадар, яъни 1991 йил 21 мартда бу байрам илк бор умумхалқ байрами сифатида нишонланди³². Бундан ташқари, ҳаётимиздаги диний байрамлар, ҳайит кунларининг республикада умумхалқ байрами сифатида нишонланиши учун кенг йўл очилгани миллий ва умумбашарий қадриятларнинг муҳим кўринишидир. Бу борада мустақиллик йилларида республикада миллий ва умумбашарий қадриятларни қайта тиклаш туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 11 апрель ва 1992 йил 27 март фармонларига биноан «Ийд ал-Фитр» (Рўза) ва «Ийд ал- Адхо» (Қурбон) ҳайитлари юртимизда дам

²⁷ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2015. – 551-б.

²⁸ Murtazaeva R.H. Oila – o‘zbek xalqi mentalitetining oliy qadriyati. – Toshkent: «TURON-IQBOL», 2018. – Б.4.

²⁹ Толипов Ф, Атамуратов М. Ўзбек оиласи: тарихи ва турмуш тарзи. – Тошкент, 2020. – Б 88-97.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989 й., 26-28-сон, 453-модда; 1991 й., 11-сон, 273-модда.

³¹ ЎзМА 122-Фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 1-155 varaqlar.

³² Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши.// Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни.– Тошкент, 2001 – Б. 15.

олиш кунлари деб эълон қилинди³³. Қуръони Карим бир неча бор нашрдан чиқарилиб 1 миллион нусхада чоп этилди. Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси мусулмонларга тухфа этилди. Имом Бухорийнинг тўрт жилдлик Ҳадислар китоби ўзбек тилида нашр этилди. 1994 йил Мирзо Улукбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йил буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейлари халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан кенг нишонланиши катта воқеа бўлди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» мавзуида анжуман ва унга бағишланган кўргазма бўлди. Шунингдек, машҳур саркарда Жалолоддин Мангубердининг 800 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланди³⁴.

1997 йил 11 ноябрда Президентнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. 1997 йил Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларининг ўтказилиши, 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланиши, Авестонинг 2700 йиллигининг нишонланиши³⁵ муҳим воқеалар сифатида эътироф этилди. 2007 йил қадимий, ўзига хос давлатчилик тарихи ва бой маданиятига эга бўлган мамлакат сифатида дунёга машҳур бўлган Ватанимиз – Ўзбекистонда ЮНЕСКО ташаббускорлигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейлари³⁶ нишонланди.

Тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича «Мерос» Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО ва Жаҳон туризми ташкилотлари қўшма миссияси маданий меросни асраш ва тиклаш борасида амалий ёрдам кўрсатди. 1992-1993 йилларда Самарқанд марказини қайта тиклаш лойиҳаси учун Оғахон жамғармаси, Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази Имом Бухорий меъморий мажмуасини тиклаш бўйича кўрик-танловлар ўтказдилар³⁷. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанднинг Регистон майдони, Улуғбек мадрасаси, Гўри Амир меъморий мажмуаси, Бухоро ва Ғиждувондаги Улуғбек мадрасалари, Шаҳрисабздаги Дор-ут-тиловат меъморий мажмуада таъмирлаш ишлари тугалланди³⁸.

³³ Ражабов Қ, Қандов Б ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. – Б 313-314. фармон; Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши. // Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни. – Тошкент, 2001 – Б. 15

³⁴ Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2011. – Б. 312-313. Маълумотлар олиш учун қаранг: Усмонов Қ, Содиқов М ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юртлири барча бакалавр босқичи талабалари учун дарслик). – Тошкент, 2005. Б 400-401.; Миллий қадриятларнинг тикланиши ва ривож хусусида қаранг: Ўзбекистон тарихи. // Р.Х Муртазаева масъул муҳаррирлигида (Олий ўқув юрти номутахассислик йўналиши талабалари учун дарслик). – Тошкент, 2003. – Б 609-611.

³⁵ Ражабов Қ, Қандов Б ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. – Б. 596

³⁶ Мухамедов Н. Юртимиз алломалари номлари ва илмий-маънавий мероснинг тикланиши. // Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий мақолалар, хужжат ва материаллар. Хотиралар. (Учинчи китоб). – Тошкент, 2012. – Б 11.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги жорий архиви. 24.87. № 69:24 № -69:29.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги жорий архиви. 24.87. № 69:24 № -69:29.

Миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихининг ривожланиш жараёнларида тарихий хотира, ўзбек халқининг холис ва ҳаққоний тарихини яратиш муҳим ўрин тутди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги Қарори катта имконият уфқларини очди. Қарорда мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш каби вазифалар белгилаб берилди³⁹.

Шундай қилиб, миллий ва умумбашарий кадриятлар генезиси негизида инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг ижтимоий тизими яратилиши эса Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлигида янги йўналиш бўлганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда юқорида танқидий таҳлил қилинган биринчи бобга доир мавзунинг ривожланиш генезиси ҳамда эволюцияси тарихий манбаларда талқин этилиб, таклиф ва мулоҳазалар берилган.

«Миллий ва умумбашарий кадриятларда тарихийлик тамойили ва диний бағрикенглик омили» деб номланган иккинчи бобда миллий ва умумбашарий кадриятларнинг тарихийлик тамойиллари билан узвийлиги ҳамда устуворлиги, Ўзбекистонда диний бағрикенглик ҳамда миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлашуви масалалари талқин этилган.

Ўз даврида соҳибқирон буюк Амир Темур ҳам аскарларини миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик асосида тарбиялаганлиги тарихий манбалардан аён. Соҳибқирон аскарлари орасида ҳатто занжи-қора танлилар ҳам бўлган. Миллатчилик бугунги кунда бирлашишга, ҳамкорликка, интеграциялашув жараёнларига тўсиқ бўлган салбий ҳодисадир. Миллий ва диний низо чиқаришга уринаётган баъзи олимларга Буюк Амир Темурнинг фаолияти ибрат ва намунадир. Соҳибқирон бобомизнинг улуғлиги ва бошқалардан устунлиги ҳам шунда бўлса керак⁴⁰.

Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, бу борадаги амалий ишларнинг 1992 йилда бошлангани ойдинлашади. Шу йили Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилиши Ўзбекистон маҳаллалари тарихида муҳим воқеа бўлди⁴¹. Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қайта тикланиш тарихи хусусида сўз юритганда, дастлабки ҳуқуқий меъёрий ҳужжат сифатида 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг (2013 йил 23 апрелда янги

³⁹ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоклаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.5.

⁴⁰ Ўлжаева Ш. Ўрта Осиё тарихнавислигига доир долзарб масалалар.// Ўрта Осиё халқлари тарихининг долзарб масалалари халқаро илмий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2020, – Б.29-30.

⁴¹ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2015. Умарова Г. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. (1991-2001 й). Тарих фан номз. дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. – Б. 12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибидаги «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси» фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий қўлланма. – Тошкент, 2014. – Б.8.

тахрирда қабул қилинган – *М.Т.*) қабул қилинишини қайд этиш лозим⁴². Тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 2009 йилгача Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ фуқаролар йиғини мавжуд бўлган бўлса⁴³, 2016 йил 1 январь ҳолатга кўра, республика бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сони 9756 та деб ҳисобланган⁴⁴. Уларнинг сони 2018 йилга келиб 10 мингга яқинни ташкил этган ва ҳар бирида ўртача 3000 дан 10 000 нафаргача аҳоли истиқомат қилган⁴⁵. Бу борада Президентнинг 2017 йил 3 февралдаги янги тахрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони⁴⁶ бу йўлда муҳим қадам бўлди.

«Бизнингча, деб ёзади академик А.Асқаров ...узоқ тарихий принципга асосланган жараёнлар давомида ўзбек миллий менталитети 5 та йирик мафкуравий босқични босиб ўтди ва улар миллат феъл-атворида ўчмас из қолдирди». Булар қуйидагилар: а) аждодларга хос *биринчи* – мафкуравий мансублик зардуштийлик диний қарашлар бўлиб, бу диннинг ахлоқий фалсафаси одамларни эзгуликка чорлаш, бошқаларга яхшилик қилиш юксак инсоний фазилатларнинг маънавий камолот чўққиси эканлигига ишонтиришдан иборатдир; б) ўзбек халқи миллий менталитетининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган *иккинчи* – мафкуравий мансублик буддавийлик. У одамларни сабр-тоқатли бўлишга, доимо ўзга халқлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни узмасликка чорлайди; в) ўзбек халқи миллий менталитетининг шаклланишида жуда муҳим маънавий роль ўйнаган *учинчи* – мафкуравий мансублик ислом дини ва унинг ахлоқидир; г) тарихийлик принципига кўра, ўтмишдан мерос бўлиб ўтган салбий ҳолатларга янгича нигоҳ билан қараш, аждодлар томонидан яратилган бебаҳо маънавий ва маданий меросни, шўролар даврида сохталаштирилган тарихни янгилаш ва шу асосда умуммиллий маънавий ислохотларни амалга оширишдир; д) ўзбек миллий менталитетининг шаклланиб бориш тарихидаги *бешинчи* мафкуравий мансублик – миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафкураси бўлиб, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи халқимиз миллий менталитетига, онгига суқилиб кирган коммунистик мафкурадан тозалашга, янгилашга жиддий эътибор беришликни тақозо этди⁴⁷.

Бизнинг фикримизча, тарихийлик принципига кўра, дунё харитасида янги Ўзбекистон давлатининг юзага келиши миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихини ривожлантириш борасида дадил қадам бўлди. Мамлакатда амалга оширилаётган умумбашарий қадриятларда тарихийлик принципига кўра, фуқароларни миллий ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялашда

⁴²Бобоев А. Фуқаролар йиғинларига сайлов – масъулиятли жараён. // Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови. – Тошкент, 2008. – Б. 49.

⁴³Акбарова Ф. Маҳалладан бошланар Ватан // Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови. – Тошкент, 2008. – Б. 46.

⁴⁴Маликова Г. Маҳалла институти ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий масалалари.// Монография. – Тошкент, 2017. – Б. 135.

⁴⁵Фуқаролар йиғинлари қошидаги жамоатчилик тузилмалари фаолияти такомиллаштирилади.// «Маҳалла». 2018 йил № 21, 20 февраль.

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони.// Халқ сўзи. 2017 йил. 4 феврал.

⁴⁷Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. – Б. 553.

муатахассисларнинг фикрича қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир: *Биринчидан*, ёшларни миллий ва диний толерантлик масаласидаги ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш; *иккинчидан*, глобаллашув шароитида турли хилдаги миллий ва диний можароларнинг асл моҳиятини, улардан кўзланган сиёсий мақсадларни тушунтиришга қаратилган эксперт мутахассислар иштирокида ОАВда чиқишлар кўламини кенгайтириш; *учинчидан*, тарихийлик принципи асосида Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихий шаклланиш жараёнида миллий ва умумбашарий кадриятларни аجدодлардан-авлодларга мерос бўлиб келаётганлиги ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдириб бориш; *тўртинчидан*, ёшларни миллий ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялашда таълим муассаларидан ташқари, уюлмаган аҳоли, айниқса, ёшлар қатлами орасида «оила – таълим муассасаси – маҳалла» концепцияси доирасида аниқ манзилли тарғибот тадбирларини кенгайтириш; *бешинчидан*, таълим муассасаларида бир неча миллат ёки дин вакилларининг бағрикенглик доирасидаги ҳамкорликдаги тадбирларини ташкил этиш; *олтинчидан*, интернет ижтимоий тармоқларида миллий ва диний бағрикенгликни кенг тарғиб этувчи сайтлар ва ахборотлар кўламини янада ошириш. Айниқса, бу борадаги ахборотларни «Ziyounet» таълим портали ҳамда таълим муассасалари сайтларида янада кўпроқ жойлаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ва умумбашарий кадриятларнинг тарихийлик принципи халқнинг бугунги турмуш тарзи йўналишларини белгилаб берганлигини ифодалади.

Ислондаги миллий ва умумбашарий кадриятни ўрганиш ва бошқаларга ўргатиш кишиларни бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли, инсофли ва саховатли бўлишига олиб боради⁴⁸. Тарихан Ўзбекистонда совет ҳукми ўрнатилгунга қадар ислом дини жамиятнинг маънавий озиғи вазифасини бажариб келган эди. Атеизм сиёсатидан кўпгина халқлар каби ўзбекистонликлар ҳам талай азият чекдилар. Жумладан, XX аср 30-йилларида республикада «Худосизлар» журнали нашр этилди, минглаб диний китоблар йўқ қилиб ташланди, юзлаб масжид ва мадрасалар омборхоналарга айлантирилди ёки ташландиқ ҳолга келтирилди, араб тили ва ислом тарихининг билимдонлари қувғин остига олинди⁴⁹. Ўша даврда диний байрамлар ва маросимлар тақиқлангани, ҳатто севимли халқ байрами «Наврўз»га ҳам диний тамға урилиб, ман қилингани мазкур тузумнинг асл қиёфасини кўрсатади⁵⁰.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори барча динларга эътиқод қилувчиларга муносиб шарт-шароитлар яратилди. Мамлакат хавфсизлигига таҳдид этувчи айрим диний ташкилотлар фаолияти тақиқланди. Чунончи, республикадаги диний ташкилотларнинг қонуний фаолият юритиши учун яратилган талай имкониятларга қарамасдан 1999 йилда Навоий вилоятида «Иегова шоҳидлари» номли диний ташкилот ноқонуний равишда, давлат

⁴⁸ Imom Vuxoriy saboqlari 2017-4 / www.bukhari.uz.

⁴⁹ Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. –Ташкент, 1975. – С.75-79.

⁵⁰ Хуснитдинов З. Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик. // Ҳамжихатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Тошкент, 2001. Б 14-15.

рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиб келганлиги аниқланган. Айнан шу йили Тошкент шаҳри Яккасарой туманида «Иегова шоҳидлари» ва «Кришнани англаш жамияти» каби ташкилотлар ҳеч қандай лицензияларсиз иш олиб борган ва фуқаролар орасида миссионерлик ғояларини тарғиб қилиб келганлар⁵¹.

Тадқиқотларимизга кўра, шу каби салбий ҳолатлар республиканинг бошқа вилоят ва туманларида ҳам содир бўлган. Масалан, 1999 йилда Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги «Ўжайно чойха» номли черковда Пак Еи Хе исмли шахс миссионерлик фаолияти билан машғул бўлганлиги аниқланган ва ушбу шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилган⁵². Бундай миссионерлик ташкилотлари инсон ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланганлар.

Мамлакат тарихида Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш борасида кўйилган муҳим қадамлардан бири 1998 йил 1 майда, янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни⁵³нинг қабул қилинганлиги бўлди. Унга биноан барча диний ташкилотлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши зарур қилиб белгиланди. Диний бағрикенглик тамойилларига асосан 1999 йил Тошкентда Марказий Осиёда биринчи Тошкент Ислом университети очилди⁵⁴. Ҳозирги пайтда ушбу университет Ўзбекистон Ҳалқаро ислом академиясига айлантирилди. Шунингдек, «Мир Араб» олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 9 та мадраса, жумладан, 2 та ихтисослаштирилган хотин-қизлар ўқув юрти, Тошкент православ семинарияси, Тошкент христиан семинарияси каби диний таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда⁵⁵. Яратилган диний эътиқод эркинлиги натижасида ҳозиргача 100 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ана шу муқаддас қадамжоларни (Макка ва Мадина шаҳарларига – *таъкид М.Т.*) тавоф қилиб қайтиш шарафига ноил бўлдилар. «2017 йилда 7200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўлдилар»⁵⁶.

Диний қарашлар ва расм-русумларнинг оммавий мазмун касб этиб, миллий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланишининг сабабларидан бири – бу уларнинг инсон руҳига, ҳаста кўнгилларга руҳий мадад бериш, одамлар ўртасида тинчлик-тотувлик, одоб-ахлоқни, раҳм-шафқатнинг тарғиб қилиниши ҳисобланади⁵⁷.

⁵¹ ЎзМА 152-Фонд, 1-рўйхат, 14-йиғма жилд, 245-варақ.

⁵² ЎзМА 152-Фонд, 1-рўйхат, 14-йиғма жилд, 231-234 -варақлар.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

⁵⁴ Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Тошкент: Fan va texnologialar, 2003. – Б.39.

⁵⁵ «Тараққиёт стратегияси» маркази Ахборот хизмати. Мурожаат қилинган сана 11.03.2021.

⁵⁶ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 466.

⁵⁷ «Ўзбекларнинг этник идентификацияси: шаклланиши, ўзига хослиги ва трансформацияси» номли фундаментал лойиҳа (ФА – Ф8-039) бўйича якуний ҳисобот (ЎЗР ФА Тарих институти «Этнология ва антропология» бўлимида 2007-2011-йиллар давомида бажарилган). – Тошкент, 2011.

Аслини айтганда, миллий ва диний кадриятлар мутелик ҳамда фикр қарамлигидан қутулиш, миллий ўзликни англашга хизмат қилиши билан жамиятда демократик умумбашарий тамойилларнинг қарор топишига замин яратди⁵⁸. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратадбирлари» ҳақидаги ПҚ №2855 Қарори⁵⁹ тарихий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 сентябрда БМТ саммитида сўзлаган нутқи аслида бутун жаҳон жамоатчилигига муқаддас ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини янада чуқурроқ англаштишга қаратилган жасоратли қадам бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг мазкур нутқиға ўз муносабатини билдирган Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ҳали ҳеч бир давлат раҳбари БМТ минбарида, ислом дини кадриятларини бу қадар жасорат билан ҳимоя қилмаганини, ҳеч қачон Имом Бухорий номини тилга олмаганини эътироф этди. Ушбу нутқ ўз мазмунига кўра миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигини яққол тасдиқлади⁶⁰. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эса «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз⁶¹.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихий ривожланишининг ҳозирги босқичида диний бағрикенглик Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихий тараққиётида таълим-тарбия тизими ва оммавий ахборот воситаларининг роли**» деб номланган бўлиб, унда таълим-тарбия тизимида миллий ва умумбашарий кадриятлар тараққиётининг тарихий тенденцияси ҳамда умумкадриятлар тарихий тараққиётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни масалалари тадқиқ этилган.

Таълим-тарбия тизимида миллий ва умумбашарий кадриятларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик билан боғлиқ. Таълим тизимида турли миллатга мансуб талабаларнинг миқдори 3. Ҳусниддинов таъкидича, республика олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 50 дан ортиқ миллатга (ўзбеклар бундан мустасно) мансуб умумий талабалар сонининг 21.2 фоизини ташкил этади. Айни пайтда 5 та олий ўқув юртида қозоқ тили ва адабиёти факультети, шунингдек, Жиззах

⁵⁸Кўнғиров И. Миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга таяниш – Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарт. – Тошкент: ТМИ, 2009. – Б.12.

⁵⁹ Imom Buxoriy saboqlari 2017-4 / www.bukhari.uz.

⁶⁰Полвонов Н.Т. Миллатлараро муносабатлар ривожиди миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигини ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда этномаданий ташкилотларнинг ўрни. // Ҳаммуаллифликдаги монография. Масъул муҳаррир: Б.Р.Каримов: – Тошкент: «TURON-IQBOL», 2017. – Б.161.

⁶¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 253.

Давлат педагогика институтида математика, информатика ҳамда педагогика ва бошланғич таълим услубиёти мутахассисликларининг қозоқ бўлимлари, Қорақалпоқ Давлат университетида 1992 йилдан туркман филологияси, 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб эса Андижон давлат университетида қирғиз тили ва адабиёти бўлими ташкил этилгани ҳамда республикада фаолият кўрсатаётган ўрта махсус ўқув юрти, лицей ва коллежларда меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг 22.3 фоизи бошқа миллат вакиллари⁶² эканлигини таъкидлаш зарур. Ўзбекистонда таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида ҳам олиб борилмоқда. Ушбу мактабларни давр талабига жавоб берадиган дарсликлар билан таъминлаш ҳам ҳукуматнинг доимий диққат-эътиборидадир. Биргина 2000 йилда 385 номда ва 25 млн. нусхада мактаб дарслиги, 3 млн. нусхада болалар, педагогик, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, тиббий адабиётлар ўқувчиларга тортиқ қилингани⁶³ ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

«Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш давлат дастурини бажариш юзасидан 1990-1995 йилларга мўлжалланган махсус тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу жумладан, Вазирлик тизимидаги ўқув-тарбия муассасаларини рус тилида сўзлашувчи фуқаролари, ўқитувчилари ва талабаларнинг Давлат тилини эгаллашлари учун маълум шароитлар яратилди⁶⁴.

Фанга истеъдодли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун 1992 йилда етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари негизида Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Навоий давлат педагогика институти, 1995 йилда Навоий давлат кончилик институти ўз фаолиятини бошлади⁶⁵. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастуридаги *«халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш»*⁶⁶ тамойилига биноан таълим тизими ва айни бир пайтда маънавий-маърифий муассасалар, нодавлат жамоат ташкилотларида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, маданий мерос ва миллий қадриятларни кадрлар салоҳияти орқали ўстириш ҳамда йўналтиришга алоҳида эътибор берилди.

Аммо ўтган тарихий даврда мамлакатда диний таълим-тарбия борасида айрим муаммолар ҳам кўзга ташланганлигини кўриш мумкин. Масалан, 90-йиллар охирига келиб республикада гўёки, «мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни юмшатиш, диний экстремизм ва диний мутаассиблик ҳолатларини олдини олиш» шиори остида Миллий Хавфсизлик Хизматининг тазйиқи натижасида, 1999 йилга келиб Ўзбекистонда диний таълим муассасалари 17 тадан 10 тага қисқартирилган⁶⁷. Қорақалпоғистон Республикаси

⁶² Хусниддинов З. Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик. //Хамжихатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Тошкент, 2001. – Б. 6-7.

⁶³ Бахтиёр Омон. Нотикнинг нуфузи. – Тошкент: «Маънавият», 2001. – Б. 6.

⁶⁴ ЎзМА, М-26-фонд, 1 – рўйхат. 140-иш. 53 - варақ.

⁶⁵ Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиш тарихи ва тарихшунослиги. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – Б.304.

⁶⁶ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: «Шарқ», 1998. – Б.45.

⁶⁷ ЎзМА Ф-152, Рўйхат-1. Йиғма жилд-146, 272-274-варақлар.

Нукус шаҳридаги «Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний» ислом ўрта махсус билим юртида 90 та талаба ўқиши керак бўлсада, у ерда 70 талаба таҳсил олган⁶⁸. Ушбу ҳолатни бошқа тарихий мисоллар ҳам тасдиқлайди. 1999 йилда Рус православ черковида республика бўйича бор йўғи 13 та талаба таҳсил олган, холос. Ваҳоланки, бу бутун республика бўйича анчагина паст кўрсаткич эди. Ёки Андижон вилоятидаги «Сайид Мухийддин Махдум» ислом ўрта махсус билим юрти аслида 400 талабага мўлжалланган бўлса-да, у ерда 211 та талаба ўқишига рухсат берилган. Ёки Қашқадарё вилоятидаги «Хожа Бухорий» номидаги ўрта махсус билим юрти 200 талабага мўлжалланган бўлса-да, бу ерда 1999-2000 ўқув йилига келиб фақат 110 та талаба таҳсил олган. Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ҳадис илми мактаби аслида 80 талабага мўлжалланган бўлса-да, у ерда бор-йўғи 41 та талаба ўқиган⁶⁹. Шунингдек, БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ҳамда консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йил январь-июнь ойларида юртимиз таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлилларда таълим сифатининг назорати замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар⁷⁰ акс этган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳаларининг миллий ва умумбашарий кадриятлардаги ўрни муҳимлигини юқорида қайд этилган омиллар яна бир бор тасдиқлаганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот даврида республикада чиқаётган газета ва журналларнинг саҳифалари, радио эшиттиришлар ва телекўрсатувларда тарих, миллий ва умумбашарий кадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантиришга оид мавзуларда доимий рукнлар ташкил этилди. Мустақиллик йилларида телевидениеда кўрсатувлар олиб бориладиган тиллар сони ҳам ўсди. Телевидениеда ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан ташқари мамлакатимиз халқларининг 7 тилида кўрсатувлар олиб борилмоқда. Радио соҳасида содир бўлган ўзгаришлар бундан ҳам сезиларлидир. 1991 йилда радиодаги 3 каналда жами 48 соат эшиттириш олиб борилган бўлса, 2003 йилга келиб у 4 канал бўйича 73 соатга, вилоят радиоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда (18,2 соат) 91,2 соатга етди. Мустақилликгача ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан ташқари 3 тилда, ҳозир эса 6 тилда эшиттиришлар олиб борилмоқда. Рус тилида 1991 йилда ўртача бир суткада 4,8 соат, 2003 йилда эса 6,5 соатлик эшиттиришлар ташкил этилган⁷¹. Умуман олганда, инглиз тилини ҳисобга олмаганда, республикада ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, корейс, украин жами 9 тилда газета чоп этилмоқда. Битта тилда чоп этиладиган газеталарнинг 81,5% (402 таси) ўзбек, қолган 18,5% (91 таси) бошқа тилларда нашр этилаётгани эса,

⁶⁸ ЎзМА Ф-152, Рўйхат-1. Йиғма жилд-146, 273-варақ.

⁶⁹ ЎзМА Ф-152, Рўйхат-1. Йиғма жилд-14, 274-варақ.

⁷⁰ Олий таълим ҳаётдан узилиб қолмаслиги керак // Халқ сўзи. 2017 йил 5 август.

⁷¹ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: Ўзбекистон. 2004. Б 121.

республикада яшовчи ва кўпчиликини ташкил этувчи миллатлар тилларида катта илмий ахборот майдони мавжудлигидан далолат беради.

Умуман олганда, ахборот оламидаги глобаллашув жараёнида миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихининг ривожланишида Интернетнинг роли катта. Шу боис ҳам аҳоли, энг аввало ёшларни Интернет тармоғининг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ахборотлашган тизимнинг глобаллашув жараёнларида вужудга келаётган «киберинтернационал NET»⁷², «Интернет болалари», «Интернет фуқаролари (netizens)»⁷³ каби халқаро жамиятлар аҳолининг соғлом қатламини жиддий ташвишга соляпти. Хусусан, бу «Net» авлоднинг биринчи сиёсий партияси 2006 йил Швецияда пайдо бўлиб, 2009 йилда бу партия 7,1% овоз билан Европа парламентида 2 та жойга эга бўлди. 2011 йилда у 33 та давлатда фаолият олиб бораётгани маълум бўлди. Партиянинг асосий электорати ёшлар ҳисобланиб, улар 20-30 ёш оралиғидадир⁷⁴. А. Мўминовнинг фикрича, «ҳозирнинг ўзидаёқ кўплаб мамлакатлар ўз маданияти, анъаналари ва маънавий кадриятларини ёт ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш учун махсус чоралар кўришга мажбур бўлмоқдалар»⁷⁵. Д. Рисмен айтганидек: «Айнан телеканал ва унинг замонавий цивилизациядаги кураши «бош қаҳрамон» алмашувини олдиндан белгилаб берди: ишлаб чиқариш лидери истеъмол лидерига жой бўшатиб берди. Бу сиёсатдонлар муносабатлари моделида ўз аксини топди – улар актёрларга айланишди».⁷⁶ Бир вақтнинг ўзида ОАВ жамиятни бошқариш тузилмаси унсури ва жамиятнинг маърифийлигини таъминлаш тизимининг таркибий қисмидир⁷⁷.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихини объектив ёритишда муҳим субъект ҳисобланиб, эзгуликка етакловчи хусусияти, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш жараёнларида катта аҳамиятга эгадир.

Диссертациянинг «**Миллий-маданий марказларнинг тарихий ривожланишида умумкадриятлар муштараклиги ва миллатлараро муносабатлардаги эътирофи**» номли тўртинчи бобида миллий-маданий марказларнинг тарихий ривожланишида умумкадриятларнинг ўрни ва роли ҳамда Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатлар тизимида умумкадриятлар муштараклиги тадқиқ этилган.

Ўзбекистон тарихан тенг ҳуқуқли халқлардан ташкил топган кўп миллатли мамлакат. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда - 5, Андижонда - 5, Бухорода - 10, Жиззахда - 6, Қашқадарёда - 4, Навоийда -8, Наманганда - 4, Самарқандда - 12, Сирдарёда - 4, Сурхондарёда - 4, Фарғонада - 8, Хоразмда - 4, Тошкент вилоятида - 29, Тошкент шаҳрида - 24 ва республика миқёсида 14 та миллий-маданий марказ иш олиб бормоқда. Улар ўзлари мансуб бўлган этноснинг тили,

⁷² Дергачев В. Киберинтернационал поколения NET // Инт. http://dergachev.ru/geop_events/160111.html.

⁷³ Сетянин // Инт. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Сетянин>.

⁷⁴ Дергачев В. Киберинтернационал поколения NET // Инт. http://dergachev.ru/geop_events/160111.html.

⁷⁵ Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: Turon zamun ziyo, 2013. – Б.95.

⁷⁶ Ольшанский Д.В. Политический ПР. – Питер, 2003. – с.77.

⁷⁷ Политические коммуникации: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2004, С. 74-75.

маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллатлараро муносабатларда уйғунликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшди⁷⁸. Умумий бир тилда сўзлашувчи ҳамда умумий анъаналарга эга мусулмонлар ислом динига эътиқод қилувчи ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, татар ва бошқа 14 та туркий халқларни келтириш мумкин⁷⁹.

1991 йилда «Ўзбекистон-Франция», «Ўзбекистон-Италия», «Ўзбекистон-АҚШ», «Ўзбекистон-Япония» каби дўстлик жамиятлари тузилди⁸⁰. Ўзбекистоннинг Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар Кенгаши ташкил этилди⁸¹.

1992 йил 26 июнда республика «Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий Ассоциацияси» тузилди⁸². Ассоциация ташаббуси билан хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар учун ҳам етарли шарт шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. 1996 йили Ўзбекистон Германия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Австралия каби давлатларда яшаётган ватандошларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ҳиндистонда «Ҳиндистон мўғуллари жамияти», Туркиядаги «Ойдин» газетаси билан, «Австралиядаги ўзбеклар жамияти», «Нур» жамияти билан, Украинадаги «Просвита» уюшмаси билан ҳам маданий-маърифий алоқалар ўрнатганлиги⁸³ эътиборга моликдир. Миллатлараро муносабатларни янада юксалтириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топди⁸⁴. Мамлакатда миллатлараро тотувлик барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги; миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка таяниш; турли миллий маданиятлар ривожини учун йўл очиб бериш; бошқа миллат ва элатларга ҳурмат билан қараш; миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги ва бирлигини таъминлаш принципларига амал қилиб келмоқда⁸⁵. Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари турли байрамларини кенг нишонлашади. Жумладан, русларнинг Масленица, болгарларнинг Мартиница, арманларнинг Вардавар, полякларнинг Дожинки, корейсларнинг Чхусок, татар ва бошқирларнинг Сабантуй,

⁷⁸ Толибов Р.Н. Халқлар ҳамжиҳатлиги ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашда миллий маданий марказларнинг ўрни.// «Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, миллий, диний ва сиёсий бағрикенгликни янада ривожлантиришнинг ижтимоий, фалсафий масалалари». Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2020. – Б. 92.

⁷⁹ Жўраева Н. Этномаданият ва миллий ғоя муштараклиги. – Бухоро, 2018. – Б. 39.

⁸⁰ ЎзМА Ф-2, рўйхат-1. Йиғма жилд-1, 3- 15 varaқлар.

⁸¹ ЎзМА Ф-152, рўйхат-1. Йиғма жилд-1, 9, 14, 18, 216 6- 450-varaқлар.

⁸² ЎзМА Ф-152, рўйхат-1. Йиғма жилд-1, 9, 14, 18, 216 6- 450-varaқлар.

⁸³ ЎзМА Ф-2, рўйхат-1. Йиғма жилд-216, 5-8 varaқлар.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. Халқ сўзи. 2017йил 8 февраль.

⁸⁵ Ганиева М. Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги – Ватанамиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори// «Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, миллий, диний ва сиёсий бағрикенгликни янада ривожлантиришнинг ижтимоий, фалсафий масалалари». Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2020. – Б. 85.

грекларнинг Охи сингари байрамлари⁸⁶ барча миллат ва элатлар вакиллари иштирокида кенг нишонланиб келинмоқда.

Миллий маданий марказлар фаолиятининг асосий вазифаси вазирликлар, тегишли идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари билан биргаликда миллатлараро муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда фаол қатнашиш, миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзига хос анъана, урф-одат ва расм-русумларни тиклаш ҳамда ривожлантиришда уларга кўмаклашиш, деб белгиланди⁸⁷.

Республикада 10 минга яқин мактаб фаолият юритаётгани, шундан 845 та мактабда рус тилида, 491 та мактабда қozoқ тилида, 259 та мактабда тожик тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда қирғиз тилида, 7 та мактабда корейс⁸⁸ тилини фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилганини таъкидлаш зарур. Шу билан бирга, юртимизда ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилмоқда⁸⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил қилинди. Кўмита жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик ҳамжамиятлари, шу жумладан чет элларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни самарали мувофиқлаштириш⁹⁰ каби вазифаларни амалга оширади.

Фикримизча, миллий ва умумбашарий қадриятлар негизида марказлар Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли элат ва миллатлар вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш йўналишлари қуйидагилардан иборат: *Биринчи йўналиш* – Ўзбекистон халқлари ҳаётидаги муҳим саналарга бағишлаб ўтказиладиган тадбирларни кучайтириш; *иккинчи йўналиш* – миллий-маданий марказлар томонидан яқка ҳолда, шу миллатга хос бўлган байрамлар ва оммавий тадбирлар ўтказиш; *учинчи йўналиш* – маҳаллий бўлмаган халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамдўстлик, ҳамкорлик ҳамда ижодий мулоқотни кучайтириш; *тўртинчи йўналиш* – миллий диаспоранинг, у ёки бу элат ҳаёти, ижтимоий турмушига оид ҳужжатли фильмлар, бадий, илмий асарлар яратилиши кабилар.

⁸⁶ Шукуров Ф. Ютуқларимиз пойдевори - миллатлараро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлик // URL – <https://www.pv.uz/uz/news/jutularimiz-pojdevori-millatlararo-amzhiatlik-tinchlik-va-bararorlik> - мурожаат қилинган сана – 12.03.20.

⁸⁷ Murtazayeva R.H. Oila – o‘zbek xalqi mentalitetining oliy qadriyati. – Toshkent: «TURON-IQBOL», 2018. – Б. 44.

⁸⁸ Ўша жойда. – Б. 45.

⁸⁹ Жўраева Н. Этномаданият ва миллий ғоя муштараклиги. – Бухоро, 2018. – Б. 42.

⁹⁰ Кўмита ҳақида // URL – <https://interkomitet.uz/mita-a-ida/?lang=oz#1519648532381-ae4343e3-6251>. Мурожаат қилинган сана – 25.10.20

Хулоса қилиб айтганда, миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихи миллий-маданий марказларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаш ўзаро ҳамкорлик асосида муштараклик тамойилларига амал қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини тасдиқлади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кезларда, миллатлараро муносабатлар тизимидаги маданий-маърифий алоқалар тарихига назар ташласак, хусусан 1992 йилда Германия, Япония, Хитой, Италия, Франция, АҚШ, Словакия, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Покистон каби давлатлар билан маданий алоқалар ўрнатган эди⁹¹. 2017 йилда Европа иттифоқи ва 21 та хорижий мамлакат билан савдо-иқтисодий, инвестиция, технология ва молиявий – техник соҳаларда 22 та «Йўл харитаси» тасдиқланди⁹². Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди⁹³.

Мустақиллик даврида маънавий, миллий ва умумбашарий қадриятлар соҳасида ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Президент ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий номларида халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти мусулмон оламининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларини ҳал қилишда аъзо мамлакатлар салоҳиятини бирлаштиришни мақсад қилиб олган нуфузли ташкилот бўлиб, 2016-2017 йиллар Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги кенгашига раислик ҳуқуқи Ўзбекистонга берилди. Бу республиканинг ислом дунёсидаги нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди⁹⁴. 2017 йил 18 октябрь куни Тошкентда «Ислом ҳамкорлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» мавзусидаги халқаро конференцияда миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихининг миллатлараро муносабатлардаги роли ва аҳамияти юрт тимсолида юксалди.

2017 йил 20 июнда Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ҳам чет элларда сақланаётган мамлакат тарихи ҳамда маданиятига оид бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси – реестрини яратиш сингари кўплаб вазифалар қўйилди⁹⁵.

Айни пайтда миллий ва умумбашарий қадриятларни қайта тиклаш борасида 2017 йилда 37 та театрда 10 минг 30 та спектакллар намоиш этилди. 2017 йилда маданият марказларида режада кўзда тутилган 58 минг 400 та тадбирга нисбатан

⁹¹ ЎзМА Ф-125, рўйхат-1. Йиғма жилд-19, 1-105-варақлар.

⁹² «2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. // Халқ сўзи. 2017 йил 16 август.

⁹³ Улуғларни улуғлаган юрт // Халқ сўзи. 2017 йил 1 апрель. Диссертант умумлашмаси (2017 йил бўйича). Шахсий архив.

⁹⁴ Қодиров Ў. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Халқ сўзи. 2017 йил 15 август.

⁹⁵ Қурбонова Д. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликлар // Халқ сўзи. 2017 йил 12 июль.

амалда жами 61 минг 100 та тадбир ташкил этилди. Тадбирларда катнашувчи ва ташриф буюрувчилар сони 29 минг 500 нафарни ташкил этди⁹⁶. Бу тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари уларнинг режалари ҳамда амалий-ташкилий ишларида муҳим ўрин эгаллайди.

Хулоса ўрнида қайд этиб ўтиш зарурки, янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар шубҳасиз республика ҳамда миллатлараро муносабатлар доирасида миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихини ривожлантиришга хизмат қилаётганлигини тасдиқлади. Умуман, миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихи миллатлараро муносабатлар тизимида янгиланаётган Ўзбекистон янги тарихини барпо қилишнинг зарурий шarti эканлигини кўрсатди.

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан 2017 йилда амалга оширилган ишларнинг ҳисоботи. Маданият вазирлиги жорий архиви.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши доирасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Миллий ва умумбашарий кадриятларнинг фаол кўмагида янгиланаётган Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-маърифий тараққиётида ўзига хос миллий тикланиш ҳамда юксалиш вазифасини ўтаб келаётганлигини инобатга олиб, миллий давлатимизнинг муҳим сиёсати даражасига кўтарилган.

2. Ўзбекистонда миллий ва умумбашарий кадриятлар тарихини ривожлантириш борасидаги ислохотлар ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш – янгиланаётган миллий тарихни яратишда муҳим омил бўлган.

3. Миллий ва умумбашарий кадриятларнинг тарихийлик принципи билан узвийлиги ўзбек халқининг тарихий жараёнлар ҳамда воқеликка бўлган муносабати мазмунини ифода этиши ҳамда унинг турмуш тарзи йўналишларини белгилаб берган.

4. Диний кадриятлар кишилар онги, иймон-этиқоди ва маънавий дунёсига ижобий таъсир кўрсатиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий-ҳуқуқий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётида диний кадриятлар барқарорлик ва осойишталикни сақлашга, тарихий мерос, урф-одатлар ва анъаналарни авайлаб асраш ҳамда миллий ва умумбашарий кадриятларни янада ривожлантиришга етакловчи куч-қудрат ҳисобланади.

5. Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида инсонпарварлик ҳамда унинг ўзига хослиги, фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, миллатидан қатъий назар барчага бирдек таълим имкониятларини яратиш, жумладан уларнинг ўз билимларини ҳаётда изчиллик ва қатъият билан амалга оширишлари ҳамда мустаҳкам фуқаролик позициясида тура олишлари муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатди.

6. Оммавий ахборот воситалари томонидан асосий йўналиш сифатида янгиланаётган мамлакат тараққиётида миллий ва умумбашарий кадриятларнинг таъсири муҳим роль ўйнаганлигини тасдиқлади, соҳани янада ривожлантиришда илмий-тадқиқот ҳамда инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун жиддий эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

7. Ўзбекистонда миллий-маданий марказларнинг фаол иш олиб бориши учун барча шарт-шароитлар яратилгани, энг муҳими ҳар бир миллат ўз тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш билан бир қаторда, ягона ғоя ҳамда ягона истиқболли мақсад сари интилишига миллий ва умумбашарий кадриятлар хизмат қилган.

8. Миллатлараро муносабатлар тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, республикада амалга оширилаётган туб ислохотларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганлигини тасдиқлади.

Диссертацияда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1) Янгиланаётган Ўзбекистон халқи ва Ватани Президентга бўлган юксак садоқати, инсонпарварлик ҳамда одамийлик фазилатларини миллий ва умумбашарий кадриятлар тамойиллари орқали жорий этиш зарур;

2) халқнинг тарихий маданий мероси, эзгу анъаналар, расм-русумлар, маросим ва урф-одатлар, диний эътиқодлар, хуллас, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда белгилари асрлар оша сақланиб қолган ва тобора мукамаллашиб бораётган умумқадриятлар долзарблигини ўрганиш;

3) миллий ва умумбашарий қадриятлар тамойилларини чуқур ўрганиш учун таълим-тарбия муассасалари, адабиёт ва санъат масканлари ҳамда маданий-маърифий ташкилотларни жалб қилиш, улар дастурларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

4) янги Ўзбекистон Стратегияси дастурини ишлаб чиқиш ҳамда унинг маданий ва умумқадриятлар кўмагига асосланган фаолияти муштараклигини кўллаб-қувватлаш долзарблиги билан айтиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 03/30.12.2019. Tar.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ТОЖИБОВ МУЗАФФАР ТУРДИБОВИЧ

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ ЦЕННОСТИ В
УЗБЕКИСТАНЕ: ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ (1991-2017 гг.)
07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ИСТОРИЧЕСКИХ
НАУК (DSc)**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2017.1.DSc/Tar26

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-tarix.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz)

Научный консультант:

Норматов Карим Норматович
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
доктор исторических наук, профессор

Нуриддинов Эркин Зухриддинович
доктор исторических наук, профессор

Киргизбоев Абдугаффар Каримжонович
доктор исторических наук, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ташкентский государственный университет
востоковедения**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в __ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.2019.Tar.01.04 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университетская, дом 4, Главное здание, 2 этаж. Зал совещаний Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Национальный Университет Узбекистана)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за № __). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Главное здание).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2021 года.)

Х.Э.Юнусова

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.и.н., профессор.

Б.Б.Хайназаров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н., доцент.

Н.У.Мусаев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Происходящие в период глобализации в мировых масштабах историко-культурные преобразования играют важную роль в обеспечении развития жизни человечества, а также национальных и общечеловеческих ценностей. В особенности, нарушение в определённой степени историко-политической стабильности в некоторых регионах, влияние глобализации и «массовой культуры» на культуру некоторых народов и наций вызывает беспокойство у мирового сообщества, призывая человечество к мобилизации всех сил и возможностей для обеспечения счастливой и мирной жизни граждан. При этом влияние национальных и общечеловеческих ценностей на национальную культуру и демократические ценности обретает важное значение и их объединение в историко-правовом отношении становится ещё более актуально значимым.

В ряде развитых государствах мира на основе инновационных подходов разрабатываются приоритетные направления научных исследований, нацеленные на изучение истории развития национальных и общечеловеческих ценностей. Также является примечательным проведение исследований, направленных на создание научно-теоретических основ развития национальных и общечеловеческих ценностей, разработку специальных программ по их деятельности. В этом отношении появляется возможность обеспечения прав и свобод человека, создания механизма для эффективного использования исторических возможностей науки, техники и передовых инновационных технологий, продовольственной безопасности и безопасности здоровья, ускорения реформ в сфере электроэнергетики, жилищно-коммунального образования и воспитания, а также определения перспективных направлений и разработки практических рекомендаций по дальнейшему усовершенствованию национальных и общечеловеческих ценностей.

В многонациональном, идущем по пути строительства демократического правового государства и общества обновляющемся Узбекистане, вопросы восстановления и развития истории национальных и общечеловеческих ценностей встают на повестку дня в качестве важной стратегической задачи прогресса. Наша страна занимает своё место, влияние и позиции среди стран мира и вопрос их передачи будущим поколениям избран в качестве приоритетного направления. Высказывание Президента Шавката Мирзиёева о том, что *«нам надо мобилизовать все силы и возможности для воспитания нашей молодёжи в духе национальных и общечеловеческих ценностей»*, - определило основы стратегического развития обновляющегося Узбекистана⁹⁷. Этот призыв ставит актуальную задачу в восстановлении и возвышении созданного нашими предками огромного бесценного культурного наследия, национальных и общечеловеческих ценностей, а также их научного исследования в историческом контексте.

⁹⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 349-350.

Данная диссертация в определённой мере служит для исполнения задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах» от 7 февраля 2017 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами» за № № УП-5046 от 19 мая 2017 года, постановлениях «Об организации деятельности Общественного совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан» за № ПП-3105 от 30 июня 2017 года и «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы» за № 3160 от 28 июля 2017 года, указе «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере» за № УП-5416, а также других исторических нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере⁹⁸.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информатизированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁹⁹. Научные исследования по некоторым аспектам национальных и общечеловеческих ценностей проводятся в ведущих высших учебных заведениях мира, в частности, в University of London, University College London (Великобритания), Anglia Ruskin University (Великобритания), The Pennsylvania State University (США), Temple University (США), Huazhong Normal University (Китай), Beijing Normal University (Китай), университетах Москвы, Санкт-Петербурга (Россия) и Институте истории Академии наук Республики Узбекистан, Национальном университете Узбекистана, а также Академии МВД Республики Узбекистан.

В проводимых в мире исследованиях об исторических ценностях достигнуты следующие результаты: если государство построено на основе

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи. – Тошкент: 2017 йил. 8 феврал.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// ПФ-5046-сон. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил №6 сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил №7 сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июль ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил № 8 сон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2018 йил. №5.

⁹⁹ Обзор зарубежных исследований по теме диссертации осуществлён на основе www.theiacp.org, www.learnpipe.com, www.osce.org, www.mepa.net, www.cepol.europa.eu, www.hup.harvard.edu, www.dhpol.de, www.ensop.fr, www.npa.go.jp, www.abebbooks.co.uk, www.booktopia.com.au, www.univermvd.ru, www.akadmvd.uz и других источников.

ценностей, обосновано, что это государство является законным (University of London, University College London, Великобритания). Ценность проанализирована с использованием понятия «ценностный опыт». Изучены и научно обоснованы системы ценностей, активированные в различных условиях выбора и последовательности поведения в саморегулировании (The Pennsylvania State University, США). Личные ценности, семейные ценности и центральные ценности - научно обосновано межличностное восприятие и семейное применение этих ценностей (Temple University, США); сформулировано понятие самооценки человека с точки зрения субъекта (Huazhong Normal University, Китай).

По истории развития национальных и общечеловеческих ценностей, то есть о событиях и явлениях, касающихся его политико-правовых и материально-культурных изменений, в мире проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям: организация государственного управления на основе исторических ценностей и обеспечение проживания молодёжи на основе ценностей, изучение трансформации ценностей и системы ценностей в различных исторических условиях, а также изучение последовательности поведения в самоуправлении, восстановление и развитие национальных ценностей и традиций подразумевает выявление и осознание взаимосвязанности национальных и общечеловеческих ценностей в совершенствовании моральных качеств личности.

Степень изученности проблемы. Для критического анализа в диссертации степени изученности темы с исторической точки зрения литература изучаемого периода была рассмотрена с разделением на следующие группы:

1. Анализ источников по истории государственности узбекского народа;
2. Анализ литературы исторического характера, созданной в годы независимости;
3. Анализ научных изысканий зарубежных авторов.

Диссертант, отмечая важное значение изучения истории, сущности и эволюции национальных и общечеловеческих ценностей, отмечает, что связанные с всеобщими ценностями национальные и общечеловеческие критерии и тенденции, прежде всего, особо упоминаются в уникальной жемчужине истории и культуры народов Востока – «Авесте»¹⁰⁰. Духовно-нравственные взгляды, касающиеся жизни на основе религиозно-нравственных устоев, милосердия, щедрости, гуманизма, интернационализма, содержащиеся в священной и бесценной книге исламской религии – Священном Коране и Хадисах, не потеряли своего значения и по сей день¹⁰¹. Жизнь на основе национальных и общечеловеческих ценностей во все времена находилась в центре внимания учёных, в том числе творчества таких мыслителей Востока, как Юсуф Хос

¹⁰⁰ Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1960. – С. 89-92; Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. - М.: Наука, 1982. – С. 84-99; Махмудов Т. Авесто ҳақида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 13; Тохир Карим. Муқаддас Авесто изидан. – Тошкент, 2000; Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. – Тошкент, 2001. – Б. 57-61; Авесто. Яшт китоби / Исхақов М. таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001; Авесто тарихий-бадий ёдгорлик / Аскар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.

¹⁰¹ Куръони Карим. – Тошкент, 1992.; Имом Исмоил ал – Бухорий. Ҳадис. –Тошкент, 1990. Т. II. – Б. 321-570.

Ходжиб, Абу Али ибн Сино, Абу Райхан Беруни, Ахмад Яссави, Бахоуддин Накшбанд, Кайковус¹⁰².

По историографии темы был проведён анализ научных произведений и литературы. В частности, к их числу относятся работы таких учёных и исследователей, как А.Аскарлов, Д.Алимова, А.Аширов, Р.Муртазаева, У.Шамсиев, К.Норматов, Х.Бобоев, А.Киргизбоев, В.Ишқуватов, М.Тоджибоев, Ф.Толипов, Д.Хабибуллаева, Г.Умарова, Х.Юнусова Б.Убайдуллаева, Н.Полвонов, Р.Абдуллаев, М.Рахимов, К.Раджабов, И.Кунгиров и другие¹⁰³. В этих исследованиях проблема темы диссертации хотя и не раскрыта полностью, в них уделено внимание её некоторым аспектам. Также, среди работ и исследований, осуществлённых в пределах данной группы историографических произведений, привлекают внимание исследования А. Иброхимова, Х.Султонова и Н.Джураева, Х.Хамидова, Ш. Содиковой, которые освещали социально-политические, историко-духовные, религиозно-нравственные аспекты вопроса в пределах своих тем и направлений¹⁰⁴.

Уделение, в определённой степени, внимания формированию национальных и общечеловеческих ценностей и историко-духовным вопросам, социально-

¹⁰² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент, 1990. – Б. 12-137; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент, 1992. – Б. 89; Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. – Тошкент, 1965. Т. II. – Б. 409-410; Ахмад Яссавий. Девони Ҳикмат. – Тошкент, 1994. – Б. 8 - 9; Кайковус. Қобуснома. – Тошкент, 1992. Б.83 - 88.

